ccc

# Шартнома № 28

«22» январ 2022 йил Янгибозор тумани.

**«Фируза Газ» маъсулияти чекланган жамияти** (кейинги бандларда **«Газ тулдирувчи»**), номидан жамият низомига асосан иш юритувчи директор **Атаджанов И.Х.** бир томондан Янгибозор тумани С70 ва ЖСХБ (кейинги бандларда **«Истеъмолчи»**) номидан, корхона низомига асосан рахбари Х.С. Урозбоева иккинчи томондан ушбу шартномани туздилар.

## 1.Шартнома мазмуни.

**1.1.** «Газ тулдирувчи»,«Истеъмолчи» нинг автотранспортларини сиқилган табиий газ билан тулдиришни, «Истеъмолчи» эса уз вактида хисоб-китоб килишни уз зиммасига оладилар.

**1.2.**Махсулот номи ва унинг хажми :

| Махсулот номи | Улчов бирлиги | Жами 2022 йилда | 1-чорак 2022 йил | 2-чорак 2022 йил | 3-чорак 2022 йил | 4-чорак 2022 йил |
|---|---|---|---|---|---|---|
| Газ баллонли автомобил учун сиқилган табиий газ | м3 | 6600 | 1665 | 1635 | 1650 | 1650 |

**1.3.** «Истеъмолчи» автотранспорти сиқилган табиий газ билан тулдирилган кун газ тулдирилган сана хисобланади.

## 2.Хисоб-китоб тартиби

**2.1.** Шартноманинг умумий киймати 17820000 (Ун етти миллион саккиз юз йигирма минг) **сумни** ташкил килади.

**2.2.** Сиқилган табиий газ 1м.куб. бахоси ККС билан **2700 (Икки минг етти юз) сум** булиб, хом-ашёлар,моддий бойликлар, ёкилги энергетика ресурслари бахоси узгарганда ва Узбекистон Республикаси конунлари, карорлари ва норматив актларига асосан узгартириш ва кушимчалар «кушимча келишув» асосида киритилади.

**2.3.** «Истеъмолчи» автотранспортларини сиқилган табиий газ билан тулдириш учун «Газ тулдирувчи» нинг банкдаги хисоб ракамига бир ойлик газни истеъмол килиш нормасининг 30 % микдоридаги тулов утказилгандан кейин, белгиланган шаклдаги таркатма жадвал (раздаточная ведомость) буйича амалга оширилади.

## 3.Томонларнинг хукук ва мажбуриятлари.

**3.1.** «Истеъмолчи» ГБУ (газбаллонли ускуна ГБО) билан жихозланган автотранспортларининг техник холати ва техника хавфсизлиги, ёнгин хавфсизлигига, санитария ва экология хавфсизлиги учун жавобгар хисобланади.

**3.2.** «Истеъмолчи» нинг мажбуриятлари :

**а)** ГБУ урнатилган автотранспортларни ва сиқилган табиий газдан фойдаланиш тугрисидаги амалдаги тартиблар, техник холатлар, курсатма ва карорларини бажариш.

**б)** ГБУ ни ва автотранспортларини техник соз холатда саклаш.

**в)** Йул варакасида автотранспортнинг техник созлиги хакида белги куйиш, баллонлар сони ва геометрик хажми тугрисида маълумотларни курсатиш.

**г)** Автотранспортни сиқилган табиий газ билан тулдириш учун белгиланган тартибда рухсатнома олиш

**д)** Баллонларнинг умумий сони ва геометрик хажми (+,-) 0,5 аникликда автотранспорт техпаспортида (махсус вкладыш) ёзиб куйиш.

**3.3.** «Газ тулдирувчи» ва «Истеъмолчи» сиқилган табиий газ билан таъминлаш ва кабул килишни ой давомида бир маромда, бир кунлик уртача газ хажми микдорида амалга оширадилар.

«Истеъмолчи» сиқилган табиий газни кабул килиш буйича барча узгаришлар тугрисида «Газ тулдирувчи»ни олдиндан 15 кундан кечиктирмай ёзма равишда ёки телефонограмма оркали огохлантириши шарт.

«Газ тулдирувчи» АГТКШ да жорий ва капитал таъмирлаш ишлари бошланган такдирда «Истеъмолчи»ни 3 кун олдин, ишга тушишдан 15 кун олдин огохлантиради.

**3.4.** «Газ тулдирувчи» нинг мажбуриятлари :

**а)** газ ускуналаридан тугри фойдаланишни, автотранспортлардаги назорат-улчов асбобларини ва газни очиш-ёпиш арматуралари созлигини текширади.

**б)** «Истеъмолчи» («Истеъмочи» вакили) томонидан белгиланган коидалар, газ тулдириш регламенти, мазкур шартнома шартлари бажарилмаган такдирда автотранспортга сиқилган газ тулдириш тухтатилади.

## 4.Сиқилган табиий газ хисоб-китоб тартиби.

**4.1.** «Газ тулдирувчи» томонидан «Истеъмолчи»автотранспорти тулдирилган сиқилган табиий газ хажми «Газ тулдирувчи»нинг улчов асбоблари оркали аникланади. «Узнефтегаз» МХК томонидан 28.11.1995 йилда тасдикланган 51-034-94 «методики выполненияизмерений расчета объема отпускаемого газа на АГНКС Рес. Уз.» Давстандартда тасдикланган (рег. 418 I 13.01.1995.г.)) ва АГТКШ да автотранспортларни сиқилган табиий газ билин тулдиришда хажмни аниклаш жадвали».

## 5.Томонларнинг жавобгарлиги.

**5.1.** Сиқилган табиий газни кабул килиш мазкур шартномада курсатилган хажмдан ошган такдирда кушимча шартнома тузилади.

**5.2.** Сиқилган табиий газ учун туловларни амалга ошириш максадида «Истеъмолчи» мол-мулкини гаровга куйиш, кафиллик мажбуриятлари , «Истеъмолчи» карзи эвазига мол-мулки билан хисоблашиши нотариус томонидан тасдикланган кушимча шартномалар тузиш оркали амалга оширилади.

**5.3** Ушбу шартнома шартларини бажармаслик ҳолларида тарафлар Ўзбекистон Республикаси **«Фукоролик кодекси»** ва **«Хўжалик юритувчи субъектларининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида»**ги қонунида белгиланган тартибда жавобгардирлар.

## 6.Форс мажор

**6.1.** «Газ тулдирувчи» ва истеъмолчи куйидаги холатларда газ тулдириш ва кабул килиш хажмини камайтирганлиги учун жавобгар хисобланмайди:

а) Ҳеч бир тараф иккинчи тараф олдида ўзига боғлик бўлмаган сабабларга кўра ва енгиб бўлмас куч мавжуд бўлган тақдирда ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятлари бўйича жавобгар эмас. (Уруш эълон қилиниши ёки бошланиши, фуқаролар тартибсизлиги, эпидемия, ер қимирлаши, сув тошқини, ёнғин ва бошка табиий офатлар шулар) жумласидандир.

б) газ казиб чикариш конларида, магистрал газ кувурларида, шахар, туман газ тармокларида, электр тармокларида кутилмаган авария
холатлари содир булганда

в) магистралгаз кувурларида, шахар, туман газ ва электр тармокларида навбатдаги жорий ва капитал таъмирлаш ишлари, синовлар ва пайвандлаш ишлари даврида.

## 7. Низони хал килиш тартиби

**7.1.** Ушбу шартномада ёки унга боғлик масалалар юзасидан келиб чиқадиган барча низолар энг аввало тарафларнинг келишуви билан ҳал килинади.

**7.2.** Шартномада кузда тутилмаган холатлар буйича саволларни томонлар амалдаги конунлар, Узбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 30.01.1999 йилда руйхатга олинган № 613-сонли «Автомобилларга таркатма жадваллар буйича суюлтирилган ва сиқилган табиий газ тулдириш», «Магистрал газ кувурлари оркали истеъмолчиларга газ етказиб бериш тартиби» хужжатлари ёрдамида хал килиш мумкин.

**7.3.** Тарафларнинг келишуви билан ҳал килиб бўлмайдиган низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иктисодий суди оркали ҳал қилинади.

## 8. Бошка холатлар

**8.1.** Ушбу шартнома, иккала тараф учун бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилди ва томонларга бир хил нусхада қолдирилади.

**8.2.** Ушбу шартномада, кўзда тутилмаган ҳолатлар, амалдаги конун ҳужжатлари асосида тартибга солинади.

## 9. Шартнома муддати

**9.1.** Шартнома амал килиш муддати **31 декабр 2022 йил**.

9.2. Шартнома икки нусхада тузилиб газначиликда руйхатга олингандан кейин конуний кучга эга булади

## 10.Томонларнинг хукукий манзиллари ва реквизитлари :

| **«Газ тулдирувчи»** | **«Истеъмолчи»** |
|---|---|
| **«Фируза Газ» МЧЖ** | Янгибозор туман СЭО ва ЖСХБ |
| **Манзил : Янгибозор туман Фидокор кучаси** | **Манзил :** Янгибозор ш. Навбахор йўли 22-уй |
| **Х/Р : 20208000004821429001** | **Х/Р :** 401422860332367074100054001 |
| **Банк : АТБ «Хамкорбанк» Урганч филиали** | **Банк :** М.Б. Тошкент ш. ББ ХККМ |
| **МФО : 01020** | **МФО :** 00014 ИНН: 201122919 |
| **ИНН : 301427409** | **ИНН :** 201086132 |
| **ОКОНХ : 71211** | **ОКОНХ :** |
| **Тел: 998956024248 Тел: 998977906880** | **Тел :** 41-94-322 |
| | **ШХР** 23402000300100001010 |
| **Рахбар : Атаджанов.И.Х.** | **Рахбар :** Х.С. Уразбоева |

м.у м.у

Электрон рақамли имзо орқали тасдиқланган, ҳужжат коди: DD1227333746

**Yangibozor tuman SEO va JSX bo'limi va Fireuza gaz MChJlar o`rtasida tuzilgan siqilgan gaz yetkazib berish tog'risidagi № 28 sonli shartnomasini huquqiy ekspertizadan o`tkazish yuzasidan**

**X U L O S A**

**2022 yil 24 yanvar** **Yangibozor tumani**

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021-yil 29-iyundagi PQ-5168-sonli qarori bilan tasdiqlangan "Yuridik xizmat ko`rsatish markazlari to`g`risida"gi Nizomga asosan Yangibozor tuman **SEO va JSX bo'limi** va Firuza gaz MChJ o`rtasida 2022-yil 22-yanvardagi № 28-sonli siqilgan gaz yetkasib berish to'g'risidagi shartnoma loyihasini o`rganib chiqib uni huquqiy ekspertizadan o`tkazdim. Shartnomaning umumiy summasi 17820000 (o'n yetti million sakkiz yuz yigirma ming) so`mni tashkil qiladi. Shartnoma O'zbekiston Respblikasining "Xo'jalik yurituvchi sub'ektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy ba'zasi to'g'risida"gi 1998 yil 29 avgustdagi Qonunining 10, 20, 21-moddalari hamda O'zbekiston Respublikasi Fuqarolik Kodeksining 367-369-moddari talablari asosida tuzilgan. Shartnomani imzolagan Yangibozor tuman **SEO va JSX bo'limi** boshlig'i X.Urazbayeva va Firuza gaz MChJ raxbari I.X.Atadjanovlar yuridik shaxs Nizomiga hamda chiqarilgan buyruqlarga asosan birinchi imzo huquqi berilgan.Shartnoma imzolashda shartnomalarni tuzishning erkinligi, taraflarning o`zaro manfaatdorligi, shartnoma intizomiga rioya etish, taraflarning o`zaro mulkiy javobgarligi prinsiplariga to`liq rioya qilingan va taraflarning huquqlari hamda majburiyatlari aniq ko`rsatib o`tilgan.

XULOSA QILINDI:

Yangibozor tuman **SEO va JSX bo'limi** bo'limi va Firuza Gaz MChJ o`rtasida 2022-yil 22 - yanvar kuni tuzilgan № 28 - sonli siqilgan gaz yetkazib berish to'g'risidagi shartnoma loyihasi amaldagi qonun xujjatlari asosida ishlab chiqilganligi va qonunchilik texnikasi talablariga muvofiqligi qayd etilsin.

**Yangibozor tuman yuridik xizmat ko`rsatish markazi bosh yuriskonsulti** **D.Otabayev**